



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 1 ноябрь, № 214 (5888)

Жума

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 октябрь куни Оқсаройда Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси, ХКП МҚ Сиёсий бюроси аъзоси Мэн Цзяньчжуни қабул қилди.



Учрашувда давлатимиз раҳбари стратегик ҳамкорлик, дўстлик, тенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Хитой муносабатлари бугунги кунда ҳамкорликнинг барча йўналишларида изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг жорий йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистонга дав-

лат таширлари давомида ўзаро муносабатлар юксак даражага кўтарилганига яна бир бор яққол намоён бўлди. Ушбу таширлар якуни бўйича умумий қиймати 20 миллиард доллардан зиёд бўлган 50 қўшма лойиҳа бўйича шартнома ва битимлар имзоланди. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси фаолиятининг

асосий йўналишлари имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувларни амалга ошириш, икки давлат раҳбарлари эътиборида бўлган ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш эканлиги учрашувда алоҳида таъкидланди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳамми барқарор ривожланиб, кейинги икки йилда қарийб икки баробар ошди. Ўзбекистон Хитой бозорига пахта толаси, минерал ўғитлар, табиий газ, рангли металллар ва бошқа стратегик товарлар етказиб бермоқда. Шу билан бирга, Нохом ашё ва юқори технологиялар соҳалари бўйича ҳамкорлик дастури доирасида ўзаро савдо номенклатураларини янада кенгайтириш ва диверсификациялаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Энергетика соҳаси ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири. Йирик минтақавий лойиҳани амалга ошириш — Ўзбекистон — Хитой газ қувурини барпо этиш бунинг ёрқин мисolidир. Бугунги кунда ушбу газ қувурининг дастлабки икки тармоғи фойдаланишга топширилган ва муваффақиятли ишламоқда. Келгуси йилда газ қувурининг учинчи тармоғи қурилиши якунлаш ва тўртинчи тармоқ қурилиши лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланган.

Сармоявий ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда Хитой — Ўзбекистон иқтисодийнинг энг йирик инвесторларидан бири бўлиб, ўзлаштирилган Хитой инвестицияси ҳамми 6,5 миллиард доллардан ошди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокидаги 488 корхона фаолият кўрсатмоқда, мамлакатимизда Хитойнинг йирик компаниялари ваколатхоналари очилган.

Хитой компаниялари истиқболли нефть-газ конларида қидирув ишлари олиб бориш, энг муҳим инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, Қўнғирот сода заводининг иккинчи навбати, Деҳқонобод калий ўғитлари заводининг иккинчи босқичи ва бошқа йирик иншоотлар қурилишида иштирок этмоқда. Хитой томони янги йирик лойиҳалар, хусусан, Муборак газ-кимё комплекси, “Навоийазот” очиқ акциядорлик

жамиятида ПВХ, каустик сода ва металл ишлаб чиқариш комплекси қурилишида, шунингдек, 150 МВт қувватга эга Ангрен ИЭСнинг янги энергоблоки ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Жорий йилда ташкил этилган “Жиззах” махсус индустриал зонаси ҳудудида хитойлик сармоядорлар учун қулай шартлар ва преференциялар яратилгани уни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда “Жиззах” махсус индустриал зонасида мобил телефонлар, замонавий қурилиш материаллари ва бошқа юқори технологик маҳсулотлар, шу жумладан, экспорт учун ишлаб чиқариш бошланган. Хитой компаниялари ХХРдан 30 миллион доллар миқдорда тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этган ҳолда янги ишлаб чиқариш лари йўлга қўйиш тўғрисидаги 14 битимни амалга ошира бошлади.

Қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириши молиявий, жумладан, Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки орқали қўллаб-қувватлаш ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ва унинг таркибидagi етти таъминатнинг мажлисларида савдо-иқтисодий ва инвестициявий, маданий-гуманитар ва илмий-техникавий ҳамкорлик, шунингдек, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, туризм ҳамда молиявий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича аниқ тақдирлар ишлаб чиқилди.

Оқсаройдаги учрашув чоғида минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мэн Цзяньчжу Президентимиз Ислам Каримовга самимий қабул ҳамда икки мамлакат ўртасида ривожланиб бораётган ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди.

(ЎЗА).

Сарвар ҲОМОНОВ олган сурат.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, саноат, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озик-овқат, кимё, тўқимачилик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, сайёҳлик, электр техникаси, қурилиш материаллари, машинасозлик, фармацевтика, фан-таълим каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган вазирилик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси А. Камолов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий соҳаларда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Чехия ўртасида мазкур соҳалардаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Икки мамлакат иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, банк-молия, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сармоявий ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битимларга асосланади. Бу соҳалардаги алоқаларда энг кўп қўлайлик яратиш тизими жорий этилган. Мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур комиссия мажлиси

ўзаро савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳамми мунтазам ошмоқда. 2012 йили ушбу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 32,3 фоиз кўп — 77,5 миллион, жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида эса 77,8 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Чехия сармояси иштирокида йигирмага яқин қўшма корхона фаолият кўрсатаётди. Улар озик-овқат ва гўшт-сут маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш материаллари, дори-дармон ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда иш юритади.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида Чехия делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ҳусулайтириш жараёни, иқтисодий ривожлантириш йўлида изчиллик билан олиб борилаётган ишхотлар натижалари, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” махсус индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан таништирилди.

Чехия Республикаси саноат ва савдо вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Милан Говорка Чехия Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

ДИЛ СЎЗИ

Аксарият спортчилар табиятан унчалик ҳам гапга чечан бўлишмайди. Очиги, менда ҳам шундай “хислат” бор. Лекин бугун ҳаётимда энг унутилмас, қувончга тўла онлар ҳукмонки, бундай давларда дилнингдангина бошқалар билан астойдил бўлишгинг келаркан.

Юксак эътибор янги марралар сари руҳлантиради

Польшанинг Броцлав шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатидан терма жамоамиз аъзолари билан биргаликда эндигина қайтиб келгандик. Вақтни бой бермай, навбатдаги мусобақаларга тайёргарлик кўриш мақсадида яна жонажон спорт базамиз сари йўл олдик. Машгулотларни бошлаб юбордик. Кеча тонг сахарда мураббийимиз Баҳром ака юзида табассум билан олдимизга келиб, мени ва Улуғбекни бирма-бир бағриларига босдиларда: “Табриклиман, чемпионлар”, дедилар. Кейин қўлларидagi газетани узатдилар. Унда Президентимизнинг “Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришган спортчиларни муқофотлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинган экан. Мен “Ўзбекистон ифтихори”, Улуғбек Алимов эса “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвонларига муносиб кўрилганимизни ўқиб, ишонасизми, жудаям ҳаяжонланиб кетдим, бутун вужудимни титроқ босди. Ана шу пайтда давлатимиз раҳбарининг спортга, спортчиларга бўлган

меҳри, эътибори нақадар юксак эканлигини яна бир қарра дилдан ҳис қилдим. Бир зумда спортчи дўстларим, устозларим, яқинларим, муҳлисларим, кўйинги, жуда кўнчилиқ кутладим. Халигача кўнгироқ қилиб, табриклашаёпти. Албатта, бундай сурурли онлар, муваффақиятларга эришимизимиз истиқлол шарофатидир.

Мен мусобақаларда иштирок этиш учун қаерга бормай, фурсат толиб, қаддимни баланд қилиб, Ўзбекистонимиз ҳақида, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида биз, спортчиларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар тўғрисида ўзга юрт вакилларига тўқинланиб гапириб бераман. Дарҳақиқат, фахрланиб айтсак арзийдиган имкониятларга эгамиз. Юртимизда хар қандай спорт тури билан юқори даражада шугулланиш учун замонавий инфратузилма яратилган. Кўркам спорт мажмуалари нафақат шаҳарларда, балки энг чекка ҳудудларда ҳам мавжудки, бу спорт оммавийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда “Мамлакатни модернизация қилиш шариоитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимини ривожлантириш: Ўзбекистон таърибаси ва халқаро амалиёт” мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Адлия, Ички ишлар вазириликлари, Бош прокуратура, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан биргаликда ташкил этилган ушбу тадбир ўтган ҳафтанинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Уни ўтказишда ЕХТ лойиҳалари координатори, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, К. Аденауэр ва Ф. Эберт

номидаги жамғармалар, Венеция комиссияси, ЕИнинг “Қонун устуворлиги бўйича Европа Иттифоқи — Марказий Осиё платформаси” лойиҳаси, АҚШ, Буюк Британия ва Франциянинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамкорлик қилишди. Икки кун давомида турли минтақалардан келган таниқли экспертлар, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссияси бошқармаси, ЕХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтлар бюроси, Венеция комиссияси, ЕИ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари инсон ҳуқуқларининг

долзарб масалаларига доир конструктив мулоқот олиб бордилар. Анжуман иши давомида турли мамлакатларнинг инсон ҳуқуқларини янада қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги таъриблари, инсон ҳуқуқлари бўйича етакчи ташкилотларнинг фаолиятига оид маърузалар тингланди. Бинобарин, тадбир барча инсонлар учун тенглик ва муносиб ҳаёт тарзига эришишдек эзгу мақсадларни ўзида бирлаштирган ҳамкорлар ўртасидаги диалогга айланди.

Эътиборлиси, мазкур конференция БМТ ташкил топган кунда, шунингдек, ҳозирги даврда ҳамма томонидан зарур ва шарт, дея қабул қилинаётган тамойиллар: барча инсонлар қадр қиммати ва тенглиги устувор эканлиги, ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб

туғилиши эътироф этилган биринчи расмий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 65 йиллиги арафасида бўлиб ўтди. Тадбирда жорий йилда Вена декларацияси ва Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳаракат дастурига 20 йил тўлиши, 20 йил олдин БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссияси лавозими таъсис этилгани, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар “Париж принциплари” қабул қилингандан буюн ордан 20 йил ўтгани таъкидланди. Мазкур муҳим ҳужжатларда халқаро ҳуқуқнинг асосий демократик тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, жорий йилда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилганининг 20 йиллиги кенг нишонланди.

(Давоми 2-бетда).

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принциплари

Юртимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилиги ҳамда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий эркинликни либераллаштириш бўйича тарихий аҳамиятга молик ишлар амалга оширилмоқда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Буни юртимизда ўзини ўзи бошқариш ижтимоий тузилмасининг ноёб шакли бўлган маҳалла институтини такомиллаштириш йўналишида рўёбга чиқарилаётган ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши билан миллий давлатчилигимиз тарихида илк маротаба маҳалла конституциявий институт мақомига эга бўлди. Асосий Қонунимизнинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини белгилөөчи норма мустаҳкамланган.

Конституциянинг 105-моддаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Унга биноан, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш

органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган қонунчилик ташаббуслари муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, унда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқаролар ўзини ўзи

бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланиши, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш гоёси илгари сурилган эди. Қонун ушбу тақдирлар асосида жорий йилнинг апрель ойида янги тахрирда қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН

24 соат ичида

Испания иқтисодиётида икки йилдан буён пасайиш кузатилаётганди. Ниҳоят, жорий йилнинг учинчи чорага келиб, ижобий натижага эришилди.

Кўрсаткичлар ўзгармоқда

Бу ҳафта ўтган ҳафтада мамлакат марказий банки эълон қилганди. Ана шу таҳлил ҳулосаларини куни кеча Испания миллий статистика институти ҳам расман тасдиқлади. Унга кўра, июль — сентябрь ойларида ушбу давлатнинг ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,1 фоизга ўсган. Кўрсаткичларнинг, қисман бўлса-да, яхши томонга силжишида саноат маҳсулотлари экспортнинг ортгани муҳим аҳамият касб этди. Аммо ички талаб ҳамон пасайиб кетмоқда. Бундан ташқари, Испания учун хануз жиддий таъшир бўлиб турган асосий муаммо — ишсизлик даражасининг юқорилигидир. Жумладан, ҳозир мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 26 фоизи муқим иш жойига эга эмас.

Чекишга қарши навбатдаги чора

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳри маъмурияти аҳоли ўртасида тамаки маҳсулотлари истеъмолини камайтириш мақсадида яна бир қоида жорий этиш арафасида.



Гап шундаки, авваллари шаҳар ҳудудида 18 ёшга тўлмаганларга сиргетта сотиш тақиқланган эди. Эндиликда бу чеклов 21 ёшга келиб белгиланади. Янги қоидага мувофиқ, ман этилган ёшдагилар учун хатто электрон сиргетталар сотиш ҳам мумкин эмас. Шунингдек, шаҳарда тамаки маҳсулотлари нархи ҳам анча кўтарилган.

Айни пайтда бир пачка сиргетанинг минимал баҳоси 10,5 долларни ташкил этади. Экспертларнинг фикрича, ёшга доир чекловни ўзгартириш ҳудудда кашандалар сонини 55 фоизгача қисқартириши мумкин. Лекин шунинг ўзи билан кифоялиниб қолиш керак эмас. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш, айниқса, уларни спорт билан шуғулланишига даъват этиш самарадорликни янада оширади.

Янги қоида яқин ойлари ичида Нью-Йорк мэри томонидан имзоланган, 180 кундан сўнг кучга киради.

Ишсизлик кўпайди


Октябрь ойида Германияда ишсизлар сони икки минг кишига кўпайди, дейилади "Евроњьюс" телеканали хабарига.



Аммо фоиз ҳисобида умумий кўрсаткич сентябрдаги ҳолат (6,9%) билан бир хилда қолди. Ҳозир мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 2,973 миллион нафари ишсиз мақомини олган. Ортда қолган учта чоракда иқтисодий ўсиш қисман пасайганини кўриш мумкин. Масалан, жорий йил якуни бўйича ЯИМ ҳажми 0,5, келгуси йилда эса 1,8 фоизга ошиши кутуляпти.

Ернинг «эгизаги» топилди

Астрономлар Ерга ўхшаш сайёрани аниқлашди.



"Kepler-78b" деб номланган коинот жисми Ердан 1,8 баравар оғирроқ, радиуси эса 1,2 қарра каттароқ экан.

Мутахассисларнинг фикрича, мазкур самовий топилманинг кўп жиҳатлари Ерга ўхшаса-да, бу ерда яшашнинг имкони мавжуд эмас. Чунки унда ҳаво ҳарорати жуда юқори бўлиб, ўртача 1,1 — 2,7 минг даража иссиқни ташкил этади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида тижорат банкларининг роли катта. Негаки, истиқболли инвестициявий лойиҳаларни уларнинг молиявий кўмагисиз муваффақиятли амалга ошириш мушкул. Шу боис банкларни иқтисодиётнинг қон томирига менгзайдилар.

Сармоялар бунёдкорлик ва фаровонликка йўналтирилмоқда

Мамлакатимизда молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш мақсадида бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларнинг изчил ижроси таъминланаётгани туфайли банклар барқарор фаолият кўрсатмоқда. Натижада хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш баробарида, сифати ҳам тобора яхшиланиб, мижозлар билан ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Буни "Ипотека-банк" фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

оилалар учун Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказида 20 та кўп қаватли уй қурилишини молиялаштиришга 61,7 млрд. сўмлик кредит ажратилган эди. Натижада 2013 йилнинг ўтган 9 ойи давомида вилоятлар марказида 10 та уй фойдаланишга топширилган бўлса, яна қолганларида бунёдкорлик йомушлари жадал давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг қабул қилиниши, айниқса, "Ипотека-банк" зиммасидаги устувор вази фаларни янада кучайтирди. Жамоа ана шу масъулятни чуқур ҳис қилган ҳолда иш юритаётгани айни мuddадо бўлмоқда.

Айни пайтда мазкур банк тизимида 37 та филиал, 113 та минибанк, 492 та жамғарма ва коммунал кассаси фаолият юритаётган бўлиб, улар томонидан аҳоли ҳамда қарийб 71,8 мингта ҳўжалик юрттувчи субъектга хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Таъкидлаш керакики, ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшаси, ҳатто энг олис ва чекка қишлоқларига борманг, маиший хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг устидан чиқасиз. Зеро, истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон манфаатларига қаратилган бўлиб, пировардида аҳолининг ҳаёт даражаси йил сайин юксалиб бораёпти. Кишлоқ ва шаҳарларда замонавий тураржойлар қурилиши ана шундай саъй-ҳаракатлар сирасига киради. Эътиборлиси, "Ипотека-банк" жамоаси бу каби бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этмоқда.

Замонавий, қўлай ва барча шарт-шароитга эга бўлган тураржой мақсадини бунёд этиш кўламини кенгайтириш мақсадида ушбу молиявий муассаса томонидан муайян чора-тадбирлар қўрилмоқда. Масалан, аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш

Эш оилаларнинг мустақил меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олишини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширил-

моқда. Масалан, "Обод турмуш йили" Давлат дастури бўйича банк томонидан шу йилнинг 9 ойида 375 та ёш оилага жами 26 млрд. сўмлик ипотека кредитлари, 1060 та ёш оилага 8,4 млрд. сўмлик истеъмол кредитлари, 202 та ёш оилага ўз бизнесини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаини яратиш учун 6,5 млрд. сўмлик микрокредитлар йўналтирилди.

Банк ўз фаолияти давомида, шунингдек, уй-жой қурилишини молиялаштириш билан бирга, аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим ўрин тутувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Уларга ажратилаётган кредитлар корхона фаолиятини ривожлантириш ҳамда қўллаб янги иш ўринларини яратишга хизмат қилаётди. 2013 йилнинг ўтган даврида тадбиркорларга қарийб 421,2 млрд. сўмлик кредитлар ҳамда 97,9 млрд. сўмлик микрокредитлар берилиши туфайли 8 минг 270 дан зиёд иш ўрни очилгани бунинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 60,9 млрд. сўмлик, ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун салкам 102,4 млрд. сўмлик, чекка ҳудудларда сервис соҳасини ривожлантириш учун кичик бизнес вакилларига 64,7 млрд. сўмлик кредитлар берилди. Тадбиркор аёлларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 45,2 млрд. сўм йўналтирилган бўлса, қўллаб-қувватлаш бўлими билан бирга уларнинг ишларини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширил-

расида пластик қарточкалар бир қатор афзалликка эга. Мижозлар учун ушбу қўлайликни яратиш ва пластик қарточкалар тизимини ривожлантиришда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик қарточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирла-



Омонатчиларга мўлжалланган "SMS-хабарчи" лойиҳаси — шундай хизматлардан бири. Бу хизмат тури ёрдамида омонатчи ўзининг мобил телефони орқали банкдаги маблағи ва унга ҳисобланган фоиз миқдори каби маълумотларни исталган вақтда олиши мумкин, шунинг ўзиёқ молия муассасасининг замон билан ҳамқадам фаолият юритаётганидан далолат беради.

ри тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлаётди. Натижада ҳозир муомалага чиқарилган пластик қарточкалар 974,3 минг донага етди. Уларга савдо, хизмат кўрсатиш шохобчалари, дорихоналар, ихтисослаштирилган касалар ҳамда банк жамғарма касаларида ўрнатилган 14340 та терминал хизмат кўрсатмоқда. Натижада бугунги кунга қадар 1 триллион 700 миллиард сўм миқдоридан нақдсиз транзакциялар қайд этилди. Бу — 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 2,8 баробар кўп, демакдир.

Банк ва мижоз ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши бевосита кўрсатилаётган хизматларга болғлиги барчага аён. Шунинг учун мазкур молия муассасаси чакана хизматлар кўламини муттасил равишда кенгайтириб, аҳоли учун мақбул шартларда янги омонатларни тақлиф этмоқда. Пировардида жорий йилнинг 9 ойи давомида аҳолидан қабул қилинган омонатлар миқдори йил бошидагига нисбатан 46,8 миллиард сўмга ортиб, 303,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Албатта, бугунги давр ҳар бир соҳада англикларни жорий қилиши талаб этмоқда. Зеро, бусиз муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Шунингдан оқиб, банк жамоаси аҳолига ўзининг бир қатор замонавий хизматларини тақдим қилмоқда.

Эътиборлиси, барқарор ва самарали фаолият юритаётган "Ипотека-банк" 2008 йилдан бошлаб халқаро миқёсда тан олинган рейтинг агентликларининг истиқболли "Барқарор" рейтингларига эга бўлиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, унинг дунёдаги нуфузли ташкилотлар томонидан эътироф этилишига хизмат қилмоқда. Жумладан, 2013 йил май ойида «Standard&Poor's» халқаро рейтинг агентлиги "Ипотека-банк"нинг "В+" рейтингини ҳамда 2013 йил июнь ойида "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги "B2" рейтингини тасдиқладилар. Ушбу рейтинглар банк томонидан корпоратив бошқаруви такомиллаштириш, капиталлашув даражасини ошириш, ресурслар базасини мустаҳкамлаш, активлар сифатини яхшилаш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш борасида амалга оширилган ижобий ишларга нисбатан берилган юксак баҳоқдор, албатта.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда "Ипотека-банк" республикамиз молия бозорига муайян тажриба тўплаган муассаса сифатида мижозларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш орқали аҳоли турмушини фаровонлаштириш, иқтисодиётимиз тараққиётини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Нодир НОРМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

«KOCNMAK MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига ФИБ Шайхонтохур туманлараро судининг 2012 йил 29 мартдаги 1-1105/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лолазор 1-тор кўчаси, 52-уйда жойлашган, умумий ер майдони 350,0 кв.м., фойдаланиш майдони 229,40 кв.м. бўлган, 5 та яшаш хонаси, 2 та холл, даҳлиз, ошхона, 2 та ҳаммом, зинапоя, 2 та соябондан иборат уй-жой кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 179 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 20 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари

соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 18 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрозилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Kocnmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001

Қорхона ва ташиқлотлар раҳбарлари гуққатиға!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

денгиз тўлқини рангли ип аралашган жунли матолар етказиб бериш бўйича тендер ўтказилиши ҳақида эълон қилади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Талабгорлардан тендер савдоларида иштирок этиш тақлифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 31 кун давомида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 281-43-72, 255-83-00. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақаси ҳамда Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 29 октябрдаги 01-306/3-сонли хатига асосан, 2010 йилда қурилган, фойдаланиш майдони 94,71 кв.м. бўлган, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 37-«А» уйнинг 14-хонадониди.

Бошланғич баҳоси — 29 157 583 сўм.

Очик аукцион савдоси 2013 йил 5 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Очик аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар 2013 йил 4 ноябрдан бошлаб ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 3 декабрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Мазкур кўчмас мулк 2013 йил 5 декабрь куни сотилмаган

Талабгорлар барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний, кўчаси, 4-уй, «Effect real group» МЧЖ. Телефон: (+99895) 404-54-84. Лицензия: RR 0094.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган тақрорий очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Тошкент вилоятининг Паркент тумани СИБ томонидан 2011 йил 8 октябрдаги 10-1114/978-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Паркент тумани, Бўстонлик қишлоғи ҳудудига жойлашган, умумий ер майдони 0,92 гектар бўлган бир қаватли маъмурий бино ва ошхона (ғишт заводи бино-иншоотлари) бино-иншоотлари савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 475 540 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 15 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги

талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланғичидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрозилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «New Estate Action» МЧЖнинг ХЕАТБ «HI-TECH BANK»даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904995394001, МФО: 01066, СТИР: 302373151.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Терабий кўчаси, 91-уй. Телефон: (8-371) 234-60-18. Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0148.

САНОАТ ҚОРХОНАСИ

4 — 6-разрядли электромонтажчиларни, 4 — 6-разрядли ускуналар монтажчи-созловчисини доимий ишга тақлиф қилади.

Иш ҳақи — 2 млн. сўм.

Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади. Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 172-44-07, (+99890) 982-56-40, (+99890) 352-36-05, (+99890) 167-17-58.



...Юнусовлар хонадонида яшовчи беш кишининг тўрт нафари катта теннисга меҳр қўйган. Оила соҳибни Гайбулла Юнусовнинг ёшлиги теннис кортида кечган. Ҳали ҳам теннис деса юраги "жиж" этади. Отасига эргашиб, Мақсуджон ҳам шу спорт турини танлади. Болалигидан жиддий шуғулланиди. Машгулотларни қанда қилимади. Ўз маҳоратини турли турнирларда ошира борди. Утган йили мамлакат чемпионлигини кўлга киритди. Бу ютуқ унга олий ўқув юртида имтиёзли асосда ўқиш имконини берди.

Уч ярим соатлик баҳс

туна ҳам теннис билан мунтазам шуғулланмоқда. Яқинда у Тошкентда таҳсил олиб қайтди. Мафтуна мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда дуруст натижаларга эришяпти. Масалан, Фарғонада бўлиб ўтган нуфузли халқаро турнирда кучли тўртликдан ўрин олди. Умуман, ака-сингил теннисчилар жаҳон теннис таснифига ўз ўрнига эга спортчилар саналишади.

Эки Азизбек Лукмоновни олиб кўрайлик. Бухоро давлат университетида таҳсил олаётган бу маҳоратли теннисчи вилоятда биринчи бўлиб спорт устаси нормативини бажарди.

— Ана шундай маҳоратли ёшларга ҳавас қилиб, теннисга меҳр қўйган ўғил-қизлар сони йил

сайин кўпаймоқда, — дейди вилоят теннис федерацияси ижрочи директори Бўрон Шарипов. — Айни дамда вилоятимизда 700 нафарга яқин бола катта теннис билан шуғулланаяпти. Уларга зарур қулайликлар яратиб бериш, турли турнирлар ташкил этиш орқали маҳоратини ошириш саъй-ҳаракатида.

Чиндан ҳам, кейинги бир йил ичида Бухорода теннисни ривожлантириш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Федерация томонидан шу спорт турини ривожлантиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилди. Бухоро шаҳридаги теннисга ихтисослаштирилган

22-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биноси капитал реконструкция қилинди. Натижада бу ерда шароитлар яхшиланди. Когон туманидаги теннис корти ҳам капитал таъмирдан чиқарилиб, зарур анжомлар билан таъминланди. Эътиборлиси, вилоятнинг энг чекка қишлоқ-

ларида яшовчи ёшларнинг ҳам теннис билан шуғулланишлари учун имкониятлар юзага келмоқда. Хусусан, Қорақўл туманидаги "Мирзоқалъа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги теннис корти учун федерация зарур жиҳозлар ажратди. Бу иншоотни таъмирлаш тадбирлари ҳам белгиланган.

Яна бир диққатга молик ҳиҷати шундаки, ҳозир "Хумо", "Дилқушо" теннис мажмуалари қаторида 22-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда Когондаги кортда

ҳам мамлакат ва халқаро миқёсдаги турнирларни ўтказиш имконияти мавжуд. Дарвоқе, жорий йилда хотин-қизлар ўртасидаги "Челленджер" халқаро турнири, шунингдек, республика миқёсидаги тўртта мусобақа Бухорода юқори савияда ташкил этилди.

Вилоят ёшлар ва ўсмирлар терма жамоалари жами 20 та нуфузли турнирда иштирок этиб, совриндорлар қаторидан ўрин олдилар. Халил Атоев, Абдурахмон Юсупов, Шерзод Хамидов, Зайнаб Тошпулатова, Дилнура Раҳмонова сингари умидли теннисчилар Собир Очилов, Собир Мўминов, Мўмина Қулиева, Анвар Бақоев каби тажрибали мураббийлар қўли остида ўз маҳоратларини оширишмоқда. Улар орасидан жаҳон спорти юлдузлари етишиб чиқса, ажаб эмас.

Истам ИБРОҲИМОВ.

Орзулар албатта ушалади

Ўн беш ёшли Ферузaxon Обидхонovнинг мусобақаларда тақдирланган медал, диплом ва фахрий ёрликлари учун иккита жавон торлик қилади. Лекин суратга муҳрланган галаба онлари икки альбомга шундай дид билан, чиройли қилиб жойлаштирилганки, шубҳасиз, бу тўпламлар Ферузaxonнинг умр дафтаридидаги энг азиз саҳифалардан биридир.

Ферузaxon каратэ машгулотларига етти ёшдан қатнаша бошлаган. Ундаги бу спорт турига ҳавасни

Шижоат

қур мазмун-моҳият, ҳаётий маъно бор, деб ҳисоблайди.

— Ҳозир шотакан каратэ-до билан шуғулланаяман, — дейди у. — Ушбу спорт турида рақибни ҳурмат қилиш ва бошқа инсоний эътиборларни улуғланади. Унга қизиқиб қолганининг сабаби ҳам шунда. Чунки бу турда қиз бола руҳиятига ҳамоҳанг жиҳатлар кўп. Сирдарёда мазкур спорт тури билан шуғулланаётган қизлар кўпчиликини ташкил этади. Қолаверса, шахримиз ва вилоятимиз ўғил-қизлари каратэ бўйича мамлакатимизнинг турли ёшдаги терма жамоаларининг асосий негизини ташкил этади.

Дарҳақиқат, вилоятда ёшларнинг мазкур спорт тури билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Биргина Гулистон шаҳридаги кўпплаб спорт мажмуалари ва таълим масканларида каратэнинг бир неча йўналишлари бўйича тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилган.

— Ферузaxon Обидхонova мамлакатимизнинг умидли ёшларидан бири, — дейди устози Одил Расулов. — У болалар, ўсмирлар ва катта ёшдагилар ўртасида ўтказиб келинаётган республика биринчилиги ҳамда кубоги беллашувларида совриндорлар қаторидан жой эгаллаб келмоқда. Ҳужумдан, ўтган йилги Ўзбекистон кубоги баёларида 40 килограммгача бўлган тенгдошлари орасида кумитэ бўйича иккинчи ўринни кўлга киритди. Мамлакат биринчилигида эса 12-13 ёшли спортчилар ўртасида катта йўналишда голиб қиди. Ферузaxon келгусида Осиё ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ҳам иштирок этиб, юқори натижаларга эришишига ишончимиз комил.

Сирдарёлик каратэчи қизнинг асосий мақсади ҳам шу. Ундаги қатъиятнинг кўриб, бизнинг ҳам бунга ишонгимиз келди. Чунки спортда қатъиятлик, мустақкам ирода галаба сари етакловчи муҳим омиллар саналади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.

— Ушбу спорт тури ҳаётимнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб қолган, — дейди айни дамда Бухоро давлат университетида таҳсил олаётган Мақсуджон Юнусов. — Тенниснинг жозибаси бор. Бунга сариқ копкнинг орқасидан югуриб кўрган киши жуда яхши билади. Ушбу спорт тури одамнинг иродасини мустаҳкамлайди, тезкор қарор қабул қилишга ўргатади, жисмонан чиниқтиради. Биласизми, бир гал кортда рақибим билан ролпа-роса уч ярим соат кураш олиб борганман. Енгилмаганман. Мағлубиятга учраганимда ҳам хафа бўлмадим. Чунки шу баҳонада ўз кучини, имкониятларини синаяб кўрдим. Тажриба тўпладим. Яна бир жиҳати, теннисда жароҳат олиш эҳтимоли бошқа спорт турларига қараганда камроқ.

Олининг яна бир вакили Маф-

Юксак эътибор янги марралар сари руҳлантиради

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Менинг ҳам спорт оламига кириб келишимга ана шу омиллар сабаб, десам, муволажа бўлмайди. Ун тўрт ёшимдан буён оғир атлетика билан шуғулланаман. Мусобақаларда Президентимизнинг: "Биз ҳеч қимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам", деган сўзлари менга алоҳида руҳ, кўшимча куч, ўзимга қатъий ишонч бағишлайди. Шу тўғрисида ҳам бирма-бир ютуқларга эришялман. Халқаро майдондаги дастлабки муваффақиятимни 2009 йилда кўлга киритганман. Ушанда Бирлашган Араб Амирликларидида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида голиб чиққанман. Орадан икки йил ўтиб, Францияда ташкил этилган жаҳон чемпионатида штангани силтаб кўтариш бўйича кумуш медалга сазовор бўлдим. 2012 йилда эса Жанубий Кореяда Осиё чемпионлигини кўлга киритдим. Лондон Олимпиадасида тўртинчи ўринни эгалладим. Шунингдек, шу йил Козогистонда ўтказилган қизча чемпионатида учта олтин медал билан тақдирландим. Жаҳон универсиадасида икки маротаба рекорд ўрнатиб, чемпионликка эришдим. Жаҳон чемпионатида ҳам халқимиз ишончини оқлаб, шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилганимдан бахтиёрман.

Руслан Нурудинов

даст кўтаришда — 190 кг. силтаб кўтаришда — 235 кг. икки кураш якуни бўйича

425 кг.

натижа қайд этди.



Юқорида таъкидлаганимдек, буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг спортга бўлган эътибори тўғрисида.

Биласиз, ҳар бир спортчи Олимпиада чемпионлигига эришишни чин дилдан орзу қилади. Мен ҳам тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида голиб чиқиб, байроғимиз баланд кўтарилишини, Мадҳиямиз янграшини жуда-жуда истаётман. Лондонда ана шу мақсадимга етишим учун бир оз омад юз ўғирганди. Лекин бу билан ниятимдан қайтганим йўқ. Аксинча, ана ҳам кўпроқ машқ қилиб, муносиб тайёргарлик кўрмоқдаман. Навбатдаги Олимпиада 2016 йилда Рио-де-Жанейрода ўтказилади. На-

сиб этса, айнан Бразилияда орзумга эришаман. Бунинг учун бизга ҳамма шарт-шароит яратиб берилган.

Фурсатдан фойдаланиб, бизни доимо кўллаб-қувватлаётган Президентимизга ўз миннатдорлигимизни билдирмоқчиман. Бундай эътиборга янгидан-янги зафарларимиз билан муносиб жавоб қайтарамиз.

Руслан НУРУДИНОВ, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳибни, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи.

Баскетбол қоидалари ўзгармоқда

Билиб қўйган яхши

Баскетбол ўйинидаги айрим қоидалар ўзгаришларига эътиборан мусобақаларда ана шу янгилар расман жорий этилади. Бу ҳақда Халқаро баскетбол уюшмалари федерацияси сайтда маълум қилинди.

Унга кўра, эндиликда якуний тўртинчи таймининг сўнгги икки дақиқасида жамоалар иккитадан кўп тайм-аут (қисқа танафус) олишолмайди. Шунингдек, бир жамоа вакиллари майдон марказини кесиб ўтиб, рақиблари ҳудудига кирганидан кейин 14 сония ичида ҳужумни яқунлаштириш шарт. Амадаги қоидаларда бу 24 сония этиб белгиланган.

Аваллари рақибга ишлатилган техник оғоҳлантириш учун иккита жарима зарбаси берилар эди. Эндиликда у битта жаримадан иборат бўлади. Баскетболчи урчашув давомида ишлатган иккинчи техник фоли (кўпўлиги) учун ўйин якунигача майдондан четлатилади. Федерация маълум ҳодимлари мазкур ўзгаришлар баскетбол ўйинининг янада тезкор, қизиқариб бўлишини ва томошабинларга кўпроқ завқ улашишга хизмат қилишини таъкидламоқдалар.

Ана холос!

Галабасидан мағлубияти кўп

АҚШлик Режи Стрикланд профессионал боксда энг кўп жанг ўтказган (363 та) спортчи ҳисобланади.

Аммо у энг кўп мағлубиятга учраган боксчи (276 та) сифатида ҳам тилга олинади. Ун тўққиз ёшида (1987-йил) профессионал фаолиятини бошлаган Стрикланд дастлабки вақтларда ойнага, ҳатто, 15 танга ҳам кўп да ойига, ҳатто, 15 танга ҳам кўп қарамай, у бирорта совринни кўлга кирита олмаган.

Энг қизиғи, Стрикландлар оиласи қолган вакиллариининг ҳам боксда омади чопмаган. Масалан, унинг ука-омиди Чопман. Масалан, унинг укаси си Жери 112 бор рингга кўтарилиб, нақд 100 марта рақибаси эса 30 та кетган. Режининг рақибаси эса 30 та жангнинг 28 тасида, амакисининг ўгли Жаш 74 бахсининг 68 тасида рақибига ҳақдор бўлиб, амакисининг сўнгги имкониятини бой берганидан сўнг имкониятини микга олган. Отаси ва амакисининг микга олган, шу спорт турига кисиға ҳавас қилиб, шу спорт турига қадам қўйган Жей (Жерининг ўғли) ҳозирга қадар 28 та жангда қатнашиб, хали галаба нашидасини сурмади.

Футбол ва бизнес

Европадаги етакчи футбол клубларининг ёзги ва киши трансфер пайтида янги ўйинчилар харид қилиш учун жуда катта маблағ сарфлашини кўпчилик яхши билади. Масалан, "Реал", "Барселона", "Челси", "Ливерпуль", "Манчестер Сити", "Бавария", "ПСЖ", "Монако" каби қатор гранд жамоалар ана шу даврда доимо фаол бўлишга интиляшади, вақти келганда шов-шув кўтаришга ҳам имкон топишади. Ҳатто баъзида уларнинг бир ўйинчи учун йўналтирилган маблағи айрим ўртаҳол клубларнинг умумий бюджетидан ҳам ортиб кетадики, бунга ҳам ҳайратланасан, ҳам ҳайрон қоласан, киши. Яқиндагина "Кироллик клуби"нинг уэльслик Гарет Бейлни кўлга киритиш учун 100 миллион евродан воз кечганини ёдга олинг-а. Ҳўш, улар қандай қилиб бунга эришяшяпти? Молиявий шароитларини ниманинг ҳисобидан мустаҳкамлашяпти? Келинг, шу ҳақда сўз юритсак.

Таъкидлаш жоиз, футболни том маънода бизнесга айлантиришда айнан "кўхна қитъа" вакиллари жуда катта тажриба тўплашган. Хусусан, аксарият жамоалар чипталар, мавсумий абонементлар, футболкалар, шарфлар ҳамда турли сувенирлар савдосига муҳим даромад манбаи сифатида эътибор қаратишади. Ана шундай махсулотларга талаб ҳам етарли. Бунга учрашувларни телеэкран орқали кузатганимизда ўзини доим гувоҳ бўламиз. Ҳақиқат, стадионга йиғилган мухлисларнинг кўпчилиги ёқтирган клубининг футболкасини кийиб олгани ёки шарфини ўраб олгани кўзга ташланади. Миллионлар ўйини ватани ҳисобланган Англия жамоалари ҳақида айта-

МАЗМУНЛИ ЎЙИН,



КАТТА ДАРОМАД

диган бўлсак, улар йиллик тушумларининг тахминан 30-40 фоизини айнан шу йўналишдаги савдодан олишар экан. 20 дан 50 фоизгача бўлган маблағлар эса телеконтрактлар ва эвазига келади. Ҳатто "Манчестер Юнайтед", "Челси" ва "Реал" жамоалари ўз телеканалларига эга бўлиб, бу ҳам кўшимча имконият деганидир. Даромаднинг қолган қисми рекламалар, трансферлар ва мусобақалардаги совринлар эвазига ортирилади. Албатта, клубларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда қатор хомийлар, акциядорларнинг ҳам алоҳида улуши борлигини қайд этиб ўтиш жоиз. Маълумки, "Deloitte" аудиторлик компанияси ҳар йили энг кўп даро-

вий имкониятлари мустаҳкамлашда, энг аввало, футболчиларнинг чиройли ўйин кўрсатишию икки чемпионат ёки халқаро учрашувларда эришадиган натижалари жуда катта аҳамият касб этади. Акс ҳолда, фақат маркетингга эътибордан фойда йўқ. Мазмунли ўйин кўрсатилса, жамоанинг мухлислари сафи кенгайиб бороверади, ўз-ўзидан, чипта бизнеси ҳам юришади. Бунга мисолни ана ўша футбол ватанидан келтирамиз. Айтайлик, ўтган йили "Манчестер Юнайтед" ҳамда "Челси" жамоалари йиллик даромаднинг учдан бир қисмини чипталар савдо-

рувчилар эътивад белгиларини кенг тартиб этишда футбол клублари, лигалари билан яқин ҳамкорлик қилиш ҳар томонлама маънафатли эканини яхши билишади. Шерикни танлаганда эса, албатта, унинг маънафати, мухлисларнинг сони алоҳида эътибор олинади. Демак, юқори даражада ўйин кўрсатилса, жамоа учун тақлифни хомийларнинг ўзи бера бошлайди. Яна бир мисол. Айрим маълумотларга кўра, "Манчестер Юнайтед" клубининг дунё бўйича ишқибозлари сони 660 миллион нафардан ошар экан. Ҳўш, шунча мухлис бор жамоа билан қим ҳам ҳамкорлик юзасидан шартнома тузмайди, дейсиз?! Шунинг учун ҳам футболда реклама жойлаштириш ҳисобидан даромад топишда манчестерликлар етакчилик қилишмоқда.

Албатта, Европадаги ҳолат билан биздаги имкониятларни таққослаш ножоиз. Аммо кўпинча миллий чемпионатимизнинг олий лига баҳсларида стадионлардаги аксарият ўриндикларнинг хувилаб қолиши кишини ўйлантиради. Ҳатто яқинда Ўзбекистон кубогининг "Бунёдкор" ва "Насаф" иштирокидаги финал ўйини ҳам, нари борса, беш-олти минг мухлис қаршида ўтди. Айтинчи, бундай ҳолатда маркетинг тизимини ривожлантириш мумкинми? Шароит бор, давлат эътибори етарли, ҳўш, сабаб нима? Бунга ҳар ким ўзидан келиб чиқиб жавоб бергани маъқул, назаримизда...

Шавкат ОРТИҚОВ.

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 452 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.
Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб берилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббеов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.37 Тоширилли — 02.00 1 2 3 4 5